


Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг расмий веб-сайти оқрали бош Прокуратурага электрон шаклда мурожжат йўллаш имконияти яратилди. Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг расмий веб-сайти орқали мурожаат юбориш учун Ўзбекистон Республикасининг "Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасига асосан электрон ҳужжатни тасдиқловчи электрон рақамли имзо (ЭРИ) талаб этилади.

ЭРИни Давлат солиқ қўмитаси ва барча туман давлат солиқ инспекцияларида олиш мумкин.

ЭРИдан фойдаланиш учун ўз компьютерингизга E-IMZO модулини ўрнатишингиз лозим бўлади.

Эслатиб ўтамиз, E-IMZO модули мавжуд бўлмаган ҳолатда қайта алоқа шаклида мурожаат қилиш имконияти бўлмайди. Чунки шакл активлашмаган ҳолатда бўлади.




## E-IMZO модулини қандай ўрнатса бўлади?

1. E-IMZO модулини ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикаси фойдаланувчиларни идентификациялашнинг ягона ахборот тизими веб-сайтидан ушбу ҳавола https://esi.uz/index/help/eimzo орқали E-IMZO модулини юклаб олиш керак.
2. Модул юклаб олингач қуйидаги расмда кўрсатилагн усулда уни компьютерга ўрнатиш лозим.



3. Бунинг учун кўрсаткични файл устига олиб бориб сичқончанинг ўнг тугмасини босган ҳолда “Запуск от имени администратора (Админстратор номидан ишга тушириш)” командасини танланг.

4. Очилган дарчадаги “Далее(Кейинги)” тугмасини босинг.




5. Кейин эса расмда кўрсатилгандек “Установить (Ўрнатиш)” тугмасини босинг:



6. Модул ўрнатиб бўлингач “Завершить (Тугаллаш)” тугмасини босинг.




7. Модулни ўрнатиш жараёни ниҳоясига еткач асосий сертификатни ўрнатишни сўровчи дарча очилади. “Да (Ҳа)” тугмасини босинг.




Шунинг билан E-IMZO модулини ўрнатиш жараёни ниҳоясига етади.